МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.GM.40.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ХУСОМИДДИНОВ АХРОР САБРИДДИН ЎҒЛИ

ШАРҚИЙ ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА РИСК ҲОСИЛ ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

04.00.04 – Гидрогеология ва муҳандислик геологияси

ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2019

УДК 624.131:551.493 (575.11:575.12:575.13.)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Хусомиддинов Ахрор Сабриддин ўғли
Шарқий Ўзбекистон ҳудудида риск ҳосил қилувчи омилларнинг хусусиятлари 3

Хусомиддинов ахрор Сабриддин огли
Особенности рискообразующих факторов на территории Восточного Узбекистана ……..…….....….21

Khusomiddinov Akhror Sabriddinovich
Features of risk factors on the territory of Eastern Uzbekistan…….....…….39

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works …….…….……42

МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.GM.40.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ХУСОМИДДИНОВ АХРОР САБРИДДИН ЎҒЛИ

ШАРҚИЙ ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА РИСК ҲОСИЛ ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

04.00.04 – Гидрогеология ва муҳандислик геологияси

ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/GM19 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Сейсмология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида www.gpniimr.uz ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида www.ziyonet.uz жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Шерматов Магбут** геология-минералогия фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Хабибуллаев Ибрахим Хабибуллаевич** техника фанлари доктори, профессор
	Зокиров Мираббос Мирсаатович геология-минералогия фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	**«Ўзбекгидрогеология» ДУК**

Диссертация ҳимояси Минерал ресурслар институти, Геология ва геофизика институти, Гидрогеология ва муҳандислик геологияси институти, Сейсмология институти, Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.GM.40.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 11а).Тел.: (99871) 256-13-49, факс: (99871) 140-08-12; e-mail: info@gpniimr.uz, gpniimr@exat.uz).

Диссертация билан Минерал ресурслар институтининг Ахборот-ресурслар марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 11а-уй. Тел.: (99871) 256-13-49).

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги_____ сонли тарқатиш баённомаси реестри)

М.М. Пирназаров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д.

Қ.Р. Мингбоев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, г.-м.ф.н.

Қ.Н. Абдуллабеков
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, ф.-м.ф.д., академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида маҳаллий ва минтақавий миқёсда сейсмик ва геологик рискни баҳолаш, районлаштириш ҳамда риск ҳосил қилувчи омиллар хусусиятларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Сейсмик хавфи юқори бўлган давлатларнинг иқтисодий ва ижтимоий барқарор ривожланишини таъминлаш, зилзила таъсирида содир бўладиган талофотларни баҳолашга ва уларнинг зарарини камайтиришга йўналтирилган тадқиқотлар билан боғлиқ. Шу туфайли сейсмик рискни муҳим таркибий қисми бўлган омилларни аниқлаш ва уларни зилзила талофатидаги ўрнини баҳолаш муҳим ҳисобланади.

Дунё миқёсида сейсмик рискни ҳосил қилувчи омилларни аниқлаш бўйича қатор изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан АҚШ, Хитой, Россия, Япония ва Марказий Осиё мамликатлари каби сейсмик фаол минтақаларда жойлашган давлатларда зилзила оқибатлари камайтиришга йўналган илмий тадқиқотларга муҳим эътибор қаратилмоқда. Бу борада ҳудуднинг сейсмик хавфи, муҳандислик-геологик ҳолати, аҳолиси зичлиги, иморатларнинг сейсмик заифлиги ва техноген хавфлар хусусиятларини аниқлаш ҳамда уларни замонавий ГИС-технологиялар асосида тадқиқ қилиш таянч илмий асос ҳисобланади. Бу каби илмий ишлар афзаллиги аҳоли ва ҳудудларни сейсмик хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Республикамиз аҳолиси ва ҳудудларининг сейсмик хавфсизлигини таъминлашда муаян ишлар олиб борилмоқда, жумладан, Республика худудида сейсмик рискни баҳолаш, районлаштиришнинг илмий асослари ва технологиялари ишлаб чиқилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш тизимини такомиллаштириш»[1] бўйича вазифалар белгилаб берилган. Бу борада сейсмик риск омилларининг хусусиятларини аниқлашга бағишланган илмий тадқиқотларни амалга ошириш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 9 августдаги ПҚ-3190-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва аҳолисининг сейсмик хавфсизлиги, сейсмик чидамли қурилиш ва сейсмология соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республиканинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VIII «Ер

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони.

ҳақидаги фанлар» (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёни қайта ишлаш) устувор йўналишларига мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Зилзилаларнинг риск ҳосил қилувчи омилларини ўрганиш ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, жаҳоннинг бир қатор етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида амалга оширилмоқда. Сейсмик рискни баҳолашнинг асосий қоидалари К.А.Корнелл, Л.В.Канторович, В.И.Кейлис-Борок, K.V.Steinbrugge, Роберт Витман, С.ФГончаров, Г.П.Лобанов, С.Ю.Баласанян, С.Н.Назаретян, В.С.Амирбекян, Г.Л.Кофф, В.И.Ларионов, В.И.Осипов, А.Л.Рагозин, Н.В.Шебалин, Ф.Ф.Аптикаев, Г.Л.Кофф, Н.И.Фролова, А.М.Худайбергенов, М.Ш.Шерматов, Н.Г.Мавлянова, М.А.Туйчиева, В.А.Исмаилов каби таниқли олимлар томонидан ишлаб чиқилган.

Республикамизда сейсмик рискни баҳолаш бўйича сейсмологлар томонидан 1990 йилдан бошлаб изланишлар олиб борилган. ЎзР ФА Сейсмология институтининг олимлари В.А.Исмаилов, А.М.Худайбергенов, М.Ш.Шерматов, Н.Г.Мавлянова, М.А.Туйчиева томонидан зилзилага муҳандислик-геологик муҳит ва иморатларнинг реакциясини, шунингдек уларнинг заифлик даражаларини баҳолашга оид изланишлар Ғарбий, Жанубий ва Марказий Ўзбекистон мисолида ишлаб чиқилган. Шу пайтда Шарқий Ўзбекистон ҳудудида геологик ва сейсмик риск ҳосил қилувчи омиллар етарли даражада ўрганилмаган, ушбу холат уларни кенгайтирилган комплекс изланишлар олиб бориш кераклигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Сейсмология институти ҳамда Давлат кадастрлари, геодезия ва картография миллий марказининг илмий тадқиқот ишлари режасининг БВ6Ф-026 «Ҳозирги регионал геодинамиканинг қонуниятлари ва сейсмик хавфни замонавий ахборот технологиялари базасида баҳолаш» (2007-2011 йй.), ФА-Ф8-Т063 «Геологик муҳит табиий-техноген ўзгаришларининг шаклланиш қонуниятларини сейсмик риск асоси сифатда тадқиқ қилиш» (2012-2016), ФА-А14-Т075 «Кучли зилзилаларда хабардор қилиш ва фавқулодда вазиятларни бартараф этиш бўйича давлат тизими ишларининг самарали сценарийларини ишлаб чиқиш» (2018-2019 йй.) мавзусидаги фундаментал ва амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Шарқий Ўзбекистон ҳудудида геологик ва сейсмик рискларни ҳосил қилувчи омилларнинг хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Шарқий Ўзбекистон ҳудудида сейсмик рискнинг асосий потенциал омиллари юзага келишининг сифат ва миқдор хусусиятларини ўрганиш ва баҳолаш;

фонд манбаларини, адабий манбаларни ва ўз тадқиқотларимиз натижаларини тадқиқ қилинадиган ҳудуд сейсмик ва геологик рискларнинг устувор омилларини баҳолаш мақсадларида тизимга солиш ва умумлаштириш;

Фарғона ботиқлиги ҳудуди лёсс жинсларининг чўкувчанлигини прогноз қилиш рақамли харитасини геоахборот тизими асосида ишлаб чиқиш;

минтақанинг урбанлашган ҳудудларидаги комплекс геологик рискни тадқиқ қилиш ва баҳолаш;

Шарқий Ўзбекистон аҳоли пунктларидаги бино-иншоотларнинг типлари ва уларда яшайдиган аҳолининг паспорт маълумотлари базасини тегишли қидирув тизими билан яратиш;

муҳандислик ва иқтисодий рискни аниқлаш учун муайян урбанлашган ҳудуд мисолида 7-9 балл интенсивликдаги сейсмик таъсирда пилот илова ишлаб чиқиш;

автомагистрал рискини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Шарқий Ўзбекистон сейсмик фаол ва юқори сейсмик риск мавжуд бўлган ҳудуди танланган.

Тадқиқотнинг предмети Шарқий Ўзбекистон сейсмик фаол ҳудудидаги риск ҳосил қилувчи омиллари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Дисертация тадқиқотлари асосий риск ҳосил қилувчи омилларни тизимланган равишда таҳлил қилиш, сейсмик рискни баҳолаш бўйича геологик, сейсмотектоник, геофизик, муҳандислик-геологик, муҳандислик-сейсмологик услублар ва ArcGIS асосидаги замонавий ахборот технологиялари қўлланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Шарқий Ўзбекистон ҳудудидаги сейсмик рискнинг бирламчи ҳамда иккиламчи омилларининг хусусиятлари аниқланган;

Фарғона ботиқлиги лёсс жинслар тарқалган ҳудудининг чўкувчанлигини прогноз қилиш бўйича 1:500000 миқёсидаги рақамли харитаси ишлаб чиқилган;

Тошкент, Наманган, Андижон ва Фарғона шаҳарларининг комплекс геологик риски баҳоланган;

Фарғона шаҳри маъмурий бирлиги миқёсида сейсмик риск аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Шарқий Ўзбекистон аҳоли пунктларининг бинолар, иншоотларнинг турлари, уларнинг мансублиги ва аҳолисининг сони бўйича паспорт маълумотлари базасини яратиш учун тегишли қидириш тизимига эга дастурий маҳсулот ишлаб чиқилган;

Тошкент, Наманган, Андижон ва Фарғона шаҳарлар ҳудудларининг комплекс геологик риск хариталари тузилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиги инженер-геологик тадқиқотлар, ЎзР ФА Сейсмология институти, Давлат кадастрлари, геодезия ва картография миллий маркази ҳамда мамлакатимизнинг бошқа турдош ташкилотлари геология фондларининг, жумладан 350 тадан ортиқ тоғ ковлама материаллари таҳлили асосида Шарқий Ўзбекистон тематик маълумотлар базасини яратиб, шунингдек уларга ГАТ-технологиялар асосида ишлов бериш билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сейсмик рискнинг устивор бўлган омиллари муҳандислик, иқтисодий ва геологик рисклар ҳамда лёсс жинсларнинг чўкувчанлиги сейсмик хавфсизлигини таъминлашдаги кейинги илмий изланишларга асос бўлиб хизмат қилишидир.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти аҳолини ва минтақада сейсмик хавфизлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқишда, табиий офатлар риски юқори бўлган шароитда иқтисодий режалаштириш ҳамда зилзила оқибатларини бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишда хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этиш. Шарқий Ўзбекистон ҳудудида риск ҳосил қилувчи омилларининг ҳусиятларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Шарқий Ўзбекистон ҳудудидаги сейсмик рискнинг асосий бирламчи ҳамда иккиламчи омилларининг хусусиятлари Фавқулодда вазиятлар вазирлигида амалиётга жорий этилган (Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2019 йил 10 майдаги 2/4/24-1216-сон маълумотномаси). Натижада Шарқий Ўзбекистон ҳудудидаги рискларнинг устувор омилларини аниқлаш имконини берган;

Фарғона вилояти лёсс жинслари тарқалиш ҳудудининг чўкувчанлигини прогноз қилиш 1:500000 миқёсдаги рақамли харитаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигида амалиётга жорий этилган (Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2019 йил 10 майдаги 2/4/24-1216-сон маълумотномаси). Натижада Фарғона ботиқлигидаги юқори дарижадаги геологик риск ҳудудларни ва шаҳарсозлик учун қулай ҳудудларни ажратиш имконини берган;

Шарқий Ўзбекистон урбанлашган ҳудудларининг комплекс геологик риск хариталари Фавқулодда вазиятлар вазирлигида амалиётга жорий қилинган (Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2019 йил 10 майдаги 2/4/24-1216-сон маълумотномаси). Натижада Шарқий Ўзбекистон вилоятлари маркази ҳудудларнинг сейсмик рискни ишончлироқ ҳисоблаш ва муҳандислик-сейсмогеологик шароитнинг ўзгаришини олдинроқ прогноз қилиш имконини берган;

Фарғона шаҳар маъмурий бирлиги миқёсида 7–8–9 балли зилзилада муҳандислик ва иқтисодий зарарни баҳоланиши Фавқулодда вазиятлар вазирлигида амалиётга жорий қилинган (Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2019 йил 10 майдаги 2/4/24-1216-сон маълумотномаси). Натижада ҳар хил миқёсдаги урбанлашган ҳудудларнинг рискини ҳисоблашнинг технологик ёндашувини тузиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 3 та ҳалқаро ва 7 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилиш. Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий ишлар чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 10 та

мақола, жумладан 9 таси республика ва 1 таси хориж журналларида, конференция материалларида 10 та, жумладан 3 таси хорижда.

Диссертациянинг структураси ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 97 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг долзарблиги ва талаб қилиниш даражаси асослаб берилган, мақсад ва вазифалар шакллантирилган, тадқиқот объектлари, предмети ва услублари аниқланган, тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги таърифланган, тадқиқотнинг илмий жиҳатдан янгилиги баён этилган, олинган натижаларнинг тўғрилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, иш натижаларини жорий қилиш ва апробация қилиш тўғрисида, шунингдек диссертациянинг структураси ҳақида қисқача маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сейсмик рискнинг баҳолаш буйича тадқиқотларни замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича мамлакатимиз ва хориждаги илмий тадқиқотларнинг таҳлилий шарҳи келтирилган. Терминологик планда сейсмик риск тушунчаси америкалик машҳур олим К.А.Корнелл томонидан киритилган ва кўрилаётган районда берилган вақт оралиғи ичида зилзиланинг берилган интенсивлигининг ортиб кетиш эҳтимолини баҳолашни таърифлаган. Сейсмик рискнинг шу каби эҳтимолий кўрсаткичи 1965 йилда машҳур рус олими Ю.В.Ризниченко томонидан таклиф қилинган эди.

Замонавий тасаввурлар нуқтаи назаридан сейсмик риск кўрилаётган ҳудудда маълум вақт интервали ичидаги зилзилалар билан боғлиқ ижтимоий ва иқтисодий зиён етиши эҳтимоли тариқасида изоҳланади. В.И.Уломов сейсмик рискнинг сейсмик хатарлилик билан ўзаро шартланишига урғу бериб, сейсмик рискнинг сейсмик хатарлилик баҳоларини бинолар ва инфраструктураларнинг заифлик даражаси омиллари билан бирлаштириш йўли билан олинган ижтимоий-иқтисодий баҳо, қурилиш объектларининг сифати, аҳоли зичлиги, экология ва бир қатор бошқа омиллар тариқасида талқин қилади.

Россия олимлари Л.В.Канторович ва В.И.Кейлис-Борок томонидан 1970 йилда эълон қилинган мақолалар сейсмик хатарлиликни риск кўрсаткичлари комплексидан фойдаланиб эҳтимолий баҳолаш ва прогнозлаш услубиётининг илмий асосини солди.

Кучли зилзилалар оқибатларини прогноз қилиш масаласи борасидаги тадқиқотлар доимо талабда бўлган ва ҳар бир янги кучли зилзила бу тадқиқотларнинг фаоллашувига сабаб бўлган. 1988 йилдаги Спитак (Арманистон) зилзиласидан сўнг сейсмологик тадқиқотлар сейсмологиянинг барча йўналишлари: сейсмик хатарлилик, зилзилаларни прогноз қилиш,

шунингдек сейсмик қурилиш ва сейсмик риск бўйича собиқ СССРнинг кўпгина ихтисосдош илмий ташкилотларида интенсификацияга эга бўлди. “Аҳоли ва халқ хўжалиги объектларининг табиий ва техноген ҳалокатлар вужудга келиши хавфи инобатга олинган хавфсизлиги” комплекс давлат дастурини реализация қилиш чоғида Россия ФА академиги В.И.Осипов раҳбарлигида геологик ва гидрометеорологик хатарлиликларни, шу жумладан сейсмик рискни ўрганиш ва прогноз қилиш борасидаги илмий тадқиқотларнинг бир қатор муҳим натижалари олинди.

Ўзбекистонда кучли зилзилаларнинг оқибатини прогноз баҳолаш борасидаги тадқиқотлар ўтган асрнинг 1990-1996 йилларида ўтказила бошланди. Сейсмологлар (В.А.Исмоилов ва С.Тягунов) томонидан муҳандислик иншоотлари ва дисперсион грунтларнинг сейсмик таъсирга кўрсатадиган реакциясини миқдорий прогнозлаш, шунингдек бўлиши мумкин бўлган (сценариявий) кучли зилзалаларнинг макросейсмик ва иқтисодий оқибатларини прогноз қилиш услубиётлари ишлаб чиқилди. Сейсмик риск масаласи борасидаги тадқиқотларнинг ривожланишида академик Т.Р.Рашидов раҳбарлигида “Радиус” халқаро дастури доирасида амалга оширилган лойиҳа муҳим босқич бўлди. Лойиҳада Сейсмология институти ҳам иштирок этган. 2017 йилда ЎзР ФА Сейсмология институтида В.А.Исмоилов ва бошқалар томонидан Жиззах шаҳрининг комплекс сейсмик рискини баҳолаш бўйича инновацион лойиҳа такомиллаштирилган услубиёт асосида бажарилди.

Таҳлилий шарҳни умумлаштирган ҳолда таъкидлаш лозимки, сейсмик рискни баҳолашлар услубиётларининг кўплигига қарамасдан, улар учун умумий асос – умумқабул қилинган концепция ва услубиётий ёндошувлар, шунингдек тематик маълумотларнинг кўп омилли базаси ҳамда уларнинг замонавий ГАТ-технологиялар базасидаги талқинидир.

Диссертациянинг **«Шарқий Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий ва табиий шароитларнинг умумий тавсифи»** деб номланган иккинчи бобида Шарқий Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, геологик-тектоник хусусиятларининг умумий тавсифи таҳлил қилинади.

Шарқий Ўзбекистон Тошкент, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари ҳудудларини ўз ичига олади. Географик ҳолатига, фойдали қазилмаларнинг, ер, сув ва меҳнат ресурсларининг мавжудлигига қараб, вилоятлардан ҳар бирининг ўз иқтисодий ривожланиш хусусиятлари бор. Тадқиқ қилинаётган регион мамлакатнинг энг зич аҳолили ҳудуди ҳисобланади. Тошкент вилоятининг ҳудуди S=16,6 минг км^2 ни ташкил қилади, аҳолиси 4 млн. нафардан ортиқ, аҳоли зичлиги 1 км^2 га 230 киши. Андижон вилояти S=4,2 минг км^2, аҳолиси 3,012 млн. нафардан ортиқ, аҳоли зичлиги 1 км^2 га 703,3 киши. Наманган вилояти S=7,9 минг км^2, аҳолиси 2,661 млн. нафар атрофида, аҳоли зичлиги 1 км^2 га 341,77 киши. Фарғона вилояти S=76,800 минг км^2, аҳоли зичлиги 1 км^2 га 520 киши бўлган ҳолда 3,565 млн. нафар атрофида.

Ушбу ҳудудлар учун чуқурлаштирувчи омил, айниқса, Фарғона водийсида, уй-жой фондида сейсмик жиҳатдан заиф бўлмиш маҳаллий қурилиш материали – лойдан қурилган биноларнинг тарқалганлигидир.

Минтақанинг барча вилоятларида асосан пахта тозалаш заводлари, трикотаж ва тикувчилик фабрикалари, шунингдек озиқ-овқат саноати корхоналари ривож топган.

Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри Ўзбекистоннинг саноат жиҳатдан энг ривожланган минтақасидир. Бу ерда иссиқик энергетикаси, қора ва рангли металлургия, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, кимё ва саноатнинг бошқа тармоқлари ривожланган. Минтақадаги техноген хавфни генерациялашга қодир бўлган йирик корхоналар жумласига Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати руда конлари ва қайта ишлаш инфраструктураси билан, “Электркимёсаноат” ишлаб чиқариш бирлашмаси (Чирчиқ ш.) киради. Фарғона вилоятида нефть-газ қазиб олиш ва хом ашёни қайта ишлаш тармоғи ривожланган.

Минтақада, шунингдек, бир қатор йирик гидроузеллар жойлашган, улар рискнинг техноген омиллари жумласига киради. Улардан энг йириклари мос равишда 2 ва 1,9 км^2 сув сиғимига эга бўлган Чорвоқ ҳамда Андижон сув омборлари ҳисобланади.

Шарқий Ўзбекистон геологик тузилишининг хусусиятлари етарлича тадқиқ қилинган ҳамда фонд манбаларида кенг тақдим этилган. Фарғона тоғлараро ботиқлиги энг асосий ёш структураларининг тавсифи бир қатор муаллифлар (М.С.Сайдалиева, Р.Н.Ибрагимов, А.Р.Хожаев, Ш.Д.Давлатов, М.Хожибоев, М.А.Ахмеджонов, О.М.Борисов ва бошқ.) томонидан таърифланган. Ушбу маълумотлар асосида М.Ш.Шерматов томонидан қуйидаги зоналар бўйича энг асосий структураларнинг тавсифлари деталлаштирилди: Шимолий Фарғона антиклинал кўтарилишлар зонаси, Шарқий Фарғона антиклинал кўтарилишлар зонаси, Жанубий Фарғона ва жануби-шарқий антиклинал кўтарилишлар зоналари, Марказий Фарғона антиклинал кўтарилишлар зонаси. Шарқий Ўзбекистон иккита муҳандислик-геологик регионлардан – Чирчиқ-Охангарон бассейни (Тошкентолди зонаси) ва тоғолди ҳамда баланд тоғ ўралмали Фарғона тоғлараро водийсидан ташкил топган.

Тадқиқ қилинадиган ҳудуд геологик маънода протерозой, палеозой ва мезокайнозой чўкиндилар, метаморфик, магматик қатламларининг анча юқори даражадаги бир жинсли эмаслиги ҳамда ўзгарувчанлиги билан характерланади. Бундан қадимийроқ протерозой ва каледон жинслари регионнинг асосан баланд тоғ ҳамда ўрта тоғ қисмида, мезозой ва учламчи қатламлар паст тоғли ҳамда баланд тоғ қисмларида, энг ёш тўртламчи чўкиндилар эса – тоғолди ва тоғолди-текислик қисмларида ҳамда тоғлараро чуқурликларда тарқалган.

Экзоген жараёнлар ва ҳодисалар ичида энг кенг тарқалганлари нураш, ўпирилишлар, жар шаклланиши, сел оқимлари, қулашлар, кўчкилар, грунт чўкиши ҳисобланади. Эндогенларидан эса юқори сейсмикликдир.

Аҳоли пунктларини, саноат ва қишлоқ хўжалиги объектларини жойлаштириш нуқтаи назаридан энг қулайи ўрта ва юқори тўртламчи ёшдаги террасали юзалардир, уларнинг муҳандислик-геологик шароитлари ўзлаштириш учун қулай. Улар юзасининг рельефи нисбатан текис, асосий сув оқимлари томон бир оз қияланган бўлади. Террасаларнинг тузилиши асосан икки бўлакли – гравий-галечник қатламлари турли генезис ва қалинликданги лёсс жинслар билан қопланган бўлади.

Геологик муҳитнинг энг кучли трансформцияси тоғ-кон регионларида кузатилади. Ангрен шаҳрида қўнғир кўмир конидаги ва Олмалиқ шаҳрида полиметалл конидаги қазиш ишлари интенсив техноген рельеф шаклланиши, рекреация ресурсларининг ёмонлашуви ва камайиши, катта ҳажмдаги кон очишга оид ва ишлатиб бўлинган жинсларнинг тўпланиб қолиши, сиртқи ва ерости сувларининг, атмосферанинг ифлосланиши ва бошқа ҳолатларда содир бўлмоқда.

Гидротехника иншоотлари жойлашган ҳудудларда геологик муҳитдаги асосий ўзгаришлар сиртқи ва ерости сувлари режимининг бузилиши, сув омборларининг қирғоқлари бўйлаб геодинамик жараёнларнинг фаоллашуви билан боғлиқ. Йирик сув омборлари жойлашган ҳудудларда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, катта сув ҳажмларининг тўпланиши ва улардан фойдаланишнинг интенсив динамикаси заиф ва ўртача локал зилзилаларнинг кўпайишига олиб келади.

Сейсмик хавфни баҳолаш ва районлаш сейсмик рискни баҳолашинг бирламчи асоси ҳисобланади. У берилган вақт интервалида грунтнинг маълум интенсивликда силкинишлари юзага келишининг, тектоник зилзилаларнинг такрорланувчанлиги инобатга олинган эҳтимоли сифатида таърифланади. Сейсмик рискни баҳолашда хатарлилик зилзилаларнинг мумкин бўлган ўчоқларининг муайян зоналаридан келиб чиқиб, тектоник ёриқларга тўғри келадиган маълум магнитудадаги сценарий зилзилалар кўринишида берилади. Шу билан бир вақтда ёриқлар турлича сейсмотектоник потенциалга, яъни у ёки бу максимал энергиядаги зилзилаларни генерациялаш хусусиятига эга.

Марказий Осиё ва Ўзбекистон сейсмотектоник ҳолати тадқиқотларига публикациялар ва фонд материалларининг муаммонинг турли аспектларини қамровчи кенг қатори бағишланган. Ғарбий Тянь-Шаннинг фаол ёриқлари дислокацияси схемасига (Ю.Содиқов, У.Нурматов, 2018) мувофиқ, тадқиқ қилинадиган ҳудудда ёриқларнинг шимоли-шарқий, шимоли-ғарбий, субкенглик бўйича чўзилиш тизимлари ажратилади, улар тектоник зоналарнинг даражаларига қараб фарқланган. Фазовий ҳолати нуқтаи назаридан бу ёриқлар четки ва ички ёриқларга бўлинади. Четки ёриқлар турли йўналишларда ривожланаётган тектоник (антиклинал ва синклинал) зоналарни чегаралаган ҳолда тузилмавий-назорат ёриқлари ҳисобланади. Ички ёриқлар ундан кам бўлмаган сейсмикликка эга, улар зоналар ичидаги тектоник ҳаракатларнинг дифференциацияланган тавсифини белгилайди. Қатламларнинг Флексура-узилиш зоналари (ФУЗ) алоҳида ўрин тутади. Йирик ботиқликликларни чегара қисмларида жойлашган ҳолда улар

флексура ва узилиш дислокацияларини мураккаб бирикмасини ўзида ифодалайди.

Диссертация ишида тадқиқ қилинадиган ҳудуд тектоник структурасининг рақамли картаси келтирилган, у Ю.Содиқов билан ҳамкорликда фаол ёриқларнинг, жумладан сейсмотектоник потенциалнинг асосий характеристикаларини кўрсатган ҳолда тузилган. Сеймик районлаштиришда тектоник карталар зилзилалар модели манбаининг асоси ҳисобланади.

Минтақа геодинамикаси сейсмоген жараёнларнинг асосий манбаи ҳисобланади. Ер қобиғи блокларининг динамикаси тебранишларнинг геологикдан миллисекундларгача бўлган кенг давр диапазони билан характерланади, улар турли манбалар ва механизмлар билан шартланади. Қуйи даражалар блокларининг ҳаракатлари ва тебранишларининг горизонтал ва вертикал ташкил қилувчиларининг ноёб хусусиятларига қарамасдан, уларда айримликларнинг юқорироқ даражадаги динамикаси билан назорат қилинадиган тенденция юзага келади.

Ўрта Осиё, шу жумладан Шарқий Ўзбекистон геодинамикасига бир қатор олимларнинг тадқиқотлари бағишланган. В.И.Уломов томонидан у таклиф қилган ер қобиғини редуциялаш услуби асосида Ўрта Осиё ер қобиғи қалинлиги динамикасининг горизонтал тезликлари градиентларининг неоген-тўртламчи вақт учун векторли майдонлари тузилган. У томонидан олинган натижалар горизонтал ҳаракатларнинг турлича бўлишини кўрсатади, ер қобиғи ҳажмининг ўзгаришини кўрсатувчи манфий дивергенция баробарида, ер қобиғининг айланма ва эгри силжишларини тавсифловчи мусбат ротацияларнинг ҳам мавжудлиги намоён бўлади. Ҳозирги босқичда замонавий горизонтал ҳаракатлар тезлигининг энг катта градиентлари Фарғона водийсининг шарқий қисмида намоён бўлмоқда.

Ер қобиғининг ҳозирги кундаги вертикал ҳаракатларини Марказий аэрогеодезия корхонаси ва ЎзР ФА Сейсмология инсиитути мутахассислари томонидан ўтказилган мониторинг қилиш тадқиқотлари натижалари шуни кўрсатадики, Ер қобиғининг ҳозирги вертикал ҳаракатлари икки қутбли характерга эга. Тошкент зонасининг шарқий қисмида тоғли зоналар сари ўсиб борувчи йилига 0,4 дан 6,9 мм гача бўлган мусбат ҳаракатлар кузатилади. Фарғона водийсида йилига 2,2 дан 7,8 мм гача тезликлар билан бўладиган пасайишлар кузатилади.

Диссертациянинг **«Муҳандис-геологик риск ҳосил қилувчи омилларнинг замонавий географик ахборот технологиялари асосида баҳолаш»** деб номланган учинчи бобида Шарқий Ўзбекистоннинг муҳандислик-геологик риск ҳосил қилувчи омилларини интеграциялашган Географик ахборот тизими (ГАТ) асосида баҳолашга бағишланган.

Риск омилларини интеграцияланган ГАТ асосида баҳолашга бўлган технологик ёндошувлар диссертация тематикаси бўйича масалаларни ечиш учун энг самарали бўлиб чиқади. Интеграцияланган ГАТ ишлаб чиқилиши бошланғич ахборот сифатида фойдаланиладиган ва турли манбалардан, шу жумладан: топографик карталардан; фонд тематик карталаридан; аналог ва

рақамли аэрокосмосъёмка материалларидан; ҳудудларнинг сейсмик хавф, тектоник районлаш, ўпирилишлар, қулашлар, кўчкилар ва бошқа кўрсаткичлар карталаридан турли услублар билан олинган материалларнинг кенг спектрини оқилона бириктириш имкониятини беради.

Тадқиқ қилинадиган ҳудуднинг муҳандислик-геологик хусусиятлари ва чўкувчанлигини прогноз қилиш сейсмик рискнинг структуравий-тектоник ва морфоструктуравий омилларининг сейсмик хатарлилига аниқлик киритишда муҳим аҳамият касб этади. Фарғона тоғлараро ботиқлигининг асосий ёш антиклинал структураларининг характеристикаларини таҳлил қилиш фонд ва чоп этилган манбалардан фойдаланиб ўтказилди. Тадқиқотларнинг натижалари диссертация ишида батафсил кўриб чиқилган.

Маълумки, лёсс жинслар регион урбанлашган ҳудудларининг энг катта қисмини эгаллайди. Геологик муҳитнинг сейсмик таъсирга реакциясини баҳолашда энг муҳим омил унинг чўкувчанлигидир. Фарғона ботиқлиги лёсс ҳудудининг чўкувчанлигини прогнозлаш тематик харитасини ишлаб чиқиш учун геологик-геоморфологик, структуравий-тектоник тузилиш бўйича, лёсс жинсларининг таркиби ва хусусиятлари, муҳандислик-геологик жараёнлар ва ҳодисалар бўйича, шунингдек ерости сувлари сатҳининг ҳозирги ҳолати бўйича материаллар тўпланди ва ўрганиб чиқилди. Прогноз картасини имкон қадар батафсилроқ ишлаб чиқиш мақсадида Landsat космик съёмка материалларидан ҳам фойдаланилди, уларга керакли проекцияга ва масштабга имкон қадар аниқроқ келтириш мақсадида дастлаб таянч нуқталар тармоғини қўллаб ишлов берилди. Таянч нуқталарнинг координаталари дала текшируви даврида STONEX S9 GNSS-қабулгичларни қўллаб аниқланди.

Landsat суратларидан фойдаланиш лёсс жинсларнинг тарқалишини батафсилроқ таҳлил қилиб чиқиш, лёсс жинслар турли типлари орасидаги чегараларни, лёсс бўлмаган жинсларнинг зоналарини ва бошқа атрибутларни аниқлаш имкониятини берди. Landsat 7 космик суратлар ишлатилди. Landsat 7, 8 спектр макондаги ораликда бир нуқтада 15 дан 60 гача аниқликда космик суратлар беради. Landsat 7 космик суратларнинг таҳлили, ранги ва тузилишига қараб лёсс жинсларнинг тарқалганлик чегарасини аниқлашга имкон берди.

Фарғона ботиқлиги ҳудудининг лёсс грунтлардан ташкил топган, ўз вазни остида мумкин бўлган чўкиш ҳолатларига қараб, лёсс грунтлардан ташкил топган грунт шароитлари биз томондан КМК 2.02.01.-98 га мувофиқ қуйидаги икки типга бўлинди: I тип – лёсс грунтларнинг ўз вазни остида имконий чўкиш катталиги 5 см. дан кам бўлган грунт шароитлари; II тип – лёсс грунтларнинг ўз вазни остида имконий чўкиш катталиги 5 см.дан ортиқ бўлган грунт шароитлари. Грунт шароитларининг биринчи типи Сирдарё, Қорадарё, Норин дарёлари, Косонсой, Шаҳримардонсой, Исфайрамсой қайир террасалари устини, шунингдек каналлар ва ариқлар бўйидаги ҳудудларни эгаллайди. Грунт шароитларининг иккинчи типи Фарғона ботиқлигининг шимолий, шимоли-шарқий, жанубий, жануби-шарқий қисмида тарқалган. Лёсс ва лёссимон жинслар бу ерларда асосан пролювиал, аллювиал–пролювиал ва аллювиал генезисга тегишлидир. Ёши бўйича –

ўртаплейстоцен (LpQ_{II}), юқориплейстоцен (LaQ_{III}) ва чўкишнинг турлича катталиги билан характерланади.

Ўртача чўкувчан ва кам чўкувчан районлар Фарғона ботиқлигининг шимоли-шарқий, шарқий, жанубий, жануби-шарқий қисмида тарқалган. Бу майдонлар ўрта неоплейстоцен пролювиал генезининг ва қисман юқори неоплейстоцен аллювиал генезисининг 15-25 м қувватли лёсс жинсларидан ташкил топган. Ер ости сувлари кўп ҳолларда 15-30 м дан паст чуқурликда ётади. Ўта кам чўкувчан ва чўкмас районлар Фарғона тоғлараро ботиқлигининг асосан марказий қисмида ва шимолий, жанубий, жануби-ғарбий қисмини эгаллайди. Ушбу районларда лёсс жинслар генезиси асосан аллювиал, аллювиал-пролювиал, делювиалдир. Ёши бўйича улар голоцен ва юқори неоплейстоценга киради. Лёсс жинсларнинг қалинлиги одатда катта эмас – 0,25-2 - 3 м. Ер ости сувлари сатҳи йил фаслига ва суғориш характерига қараб, 0-3 м дан 3-5 м гача ўзгариб туради. Фарғона тоғлараро ботиқлигининг табиий тарихий шароитларини ўрганиш натижасида қуйидагиларни эътироф этиш зарур. Ҳозирги кунда Фарғона ботиқлигининг ҳудудида турли чўкиш катталигига эга бўлган 4 та район ажратилади (1-расм): 1 – ўртача чўкувчан районлар, кутиладиган чўкиш катталиги 0,5 дан 1 м гача; 2 – кам чўкувчан районлар, кутиладиган чўкиш катталиги 0,15 дан 0,5 м гача; 3 – ўта кам чўкувчан районлар, кутиладиган чўкиш катталиги 0,05 дан 0,15 м гача, 4 – чўкмас районлар, кутиладиган чўкиш катталиги 0,05 дан дан кам (1-расм). Биринчи учта районлар КМК 2.02.01-98 бўйича грунт шароитлари борасида иккинчи типга, тўртинчи район биринчи типга киради.



1-расм. Фарғона ботиқлиги лёсс жинслари тарқалган майдонларининг чўкувчанлигини прогноз қилиш харитаси (М.Шерматов, А.С.Хусомиддинов 2011 й.).

Умуман олганда, регион лёсс жинсларининг тарқалишида лёсс жинсларнинг структуравий-тектоник, геологик, геоморфологик тузилиши, иқлим, гидрогеологик шароитлари, турли генетик ва ёшга оид типларининг ривожланиши билан фарқланадиган маълум вертикал зоналлик кузатилади. Лёсс жинсларнинг энг қалин қатламлари (15-25 м) ҳудуднинг шимоли-шарқий, шарқий, жануби-шарқий қисмида, энг кам қалинлиги эса (0,25-3 м)

Фарғона ботиғлигини жануби-ғарбий, шимоли-ғарбий ва марказий қисмида кузатилади.

Фавқулодда вазиятларда оператив қутқариш ва авариявий-тиклаш ишларини ўтказиш учун транспорт инфраструктураси муҳим аҳамиятга молик. 428 км. узунликдаги Тошкент-Ўш трансмиллий автотрассаси Шарқий Ўзбекистон ҳудудидаги асосий автомобиль магистрали ҳисобланади. У локал-регионал шохобчалари билан йўловчилар ва юк оқими катта қисмининг трафик қилинишини таъминлайди. “Қамчиқ” довони орқали Ангрен-Поп тоғ темирйўл шохобчасининг қурилиши ва вилоятлар ичидаги темирйўл йўналишларининг реконструкция қилиниши уларни Ўзбекистон темир йўл тармоғига интеграциялашда ёрдам берди.

Тошкент-Ўш бош транспорт магистралининг зиён ҳосил қилувчи омиллари унинг потенциали айрим участкаларда 8 баллга етадиган фаол тектоник ёриқлар билан кўп маротаба кесишиши, шунингдек ўпирилиш, қулаш, ағдарилиш, тош тушиши ва қор кўчкиси каби хавфли геологик жараёнларнинг тарқалганлиги ҳисобланади. Ушбу жараёнлар магистралнинг 190-250 км гача яқин жойлашган участкаларда энг жиддийдир.

Диссертациянинг «**Шарқий Ўзбекистон урбанлашган ҳудудларининг комплекс геологик ва сейсмик рискни эксперт баҳолаш»** деб номланган тўртинчи бобида регионнинг геологик рискини ва локал урбанизациялашган ҳудуднинг сейсмик рискини баҳолаш натижалари кўриб чиқилади. Замонавий тасаввурларга кўра, геологик риск табиий ва техноген характердаги манбалар таъсири остида муҳандислик-геологик муҳит жараёнларининг юзага келиши мумкин бўлган зарарлари интенсификациясининг кутилаётган кўрсаткичи ҳисобланади.

Урбанлашган ҳудудлар геологик рискининг потенциал катталигини замонавий технологияларни қўллаб баҳолаш учун Ўзбекистон геология ташкилотларининг Шарқий Ўзбекистон ҳудуди бўйича хавфнинг табиий ва техноген ташкил қилувчиларини тавсифловчи фонд материаллари тўпланди ҳамда таҳлил қилиб чиқилди. Баҳолашнинг мураккаблиги тадқиқ қилинадиган ҳудуд муҳандислик-геодинамик шароитларининг турли-туманлигидан иборат эди.

Услубий жиҳатдан биз геологик рискни финляндиялик мутахассислар ишлаб чиққан ва Санкт-Петербург ҳудудида синовдан ўтказилган услубият бўйича тавсифлаган эдик. Ушбу услубиятнинг моҳияти рискнинг муайян омиллари тўрли матрицасини яратишдан иборатдир.

Шарқий Ўзбекистоннинг урбанлашган ҳудудлари учун КГРни эксперт баҳолашда (2-расм), мувофиқлик интеграл харитасида биз томондан қуйидаги геологик характеристикалар ҳисобга олинди: урбанлашган ҳудудларнинг юзаларини қоплаган жинсларнинг тўртламчи қатламларнинг қалинлиги ва таркиби кўринишидаги геологик-литологик хусусиятлари; ер ости сувлари сатҳининг чуқурлиги ва унинг режими; юзанинг бўлинган жой рельефидаги тиклиги; лёсс жинслари қатламларининг чўкувчанлик хусусиятлари мавжудлигидаги чўкувчанлик даражаси; палеоводийларлар мавжудлигида уларнинг таъсири ва сейсмик хатарлилик даражаси.



2-расм. Фарғона (а), Тошкент (б), Наманган (в), Андижон (г) шаҳарлари. ҳудудлари учун комплекс геологик рискнинг схематик харитаси (М.А. Туйчиева, А.С. Хусомиддинов ва бошқалар, 2016 й.). Геологик риск потенциали: 1.паст; 2. мўътадил; 3.юқори; 4.жуда юқори .

Локал урбанлашган ҳудуднинг сейсмик рискини баҳолаш. Сейсмик рискни баҳолашга бўлган услубий ёндошувлар БМТ экспертлари таклиф этган концепция асосида бажарилган. Уй-жой фондида “синч” ва “қўш синч” типидаги каркасли биноларнинг кенг тарқалганидан келиб чиқиб, биноларни типлаштиришга реал вазиятга мувофиқ ўзгартишлар киритилди. Амалий имкониятлардан келиб чиқиб, пилот ижро сифатида Фарғона шаҳри маъмурий бирлиги 13-Симтепа маҳалласи даражасида танлаб олинди. Бинолар конструкцияларининг заифлик даражасини аниқлаш учун биноларнинг турли типлари учун Жиззах шаҳридаги сейсмик хавфини баҳолашда ишлаб чиқилган заифлик функцияси графигидан фойдаланилди.

Маҳалла биноларини паспортлаштириш ва типлаштириш амалга оширилди. Маҳалла тўғрисида қуйидаги маълумотлар тўпланди: умумий майдони 753 000 м^2, яшаш майдони 194 788 м^2, аҳолисининг сони 4 900 киши, 850 та уй. Шаҳарнинг 8-9 балли зонага кирадиган марказий қисмида жойлашган. Хом ғиштли юк кўтарувчи деворларга эга якка тартибдаги бинолар маҳаллада кўп қисмини 637 тани 74,80%ни (3-расм), уларнинг фойдали майдони 145 785 м^2 ни ташкил қилади.

Диссертация ишида алгоритмлар, процедуралар, ҳисоблаш жадваллари ва тадқиқ қилинадиган ҳудуд рискини баҳолаш натижалари келтирилган.

Бизар 7, 8 ва 9 балли сейсмик жадалликдага рискини баҳолаш натижалари келтирилади.

7 балли зилзилада: хом ғиштдан қурилган уйларнинг шикастланувчанлиги 13% ни ташкил қилади, яъни 145 785 м^2 хом ғиштли яшаш майдонидан 13 % шикастланиш 18 952 м^2 ни ташкил қилади; ҳисоблаш схемасига кўра хом ғиштли бинонинг 1 м^2 ини тиклаш 526 000 сўмни, умумий иқтисодий зиён эса 996 875 200 сўмни ташкил қилади, бунда бошқа типдаги зиёнлар 11 275 919 140 сўмни ташкил қилади.

8 балли зилзилада, ушбу ҳисоблаш схемасига кўра, иқтисодий зиён 47 976 645 900 сўмни ташкил қилади.

9 балли зилзилада иқтисодий зиён 108 014 906 500 сўмни ташкил қилади.



3-расм. Фарғона шахар 13-Симтепа маҳалла биноларининг конструктив турлари бўйича умумий маълумотлари.

Тематик маълумотлар базаси. ГАТ-технологияларнинг ахборот асосини маълумотлар базаси ташкил қилади. Функционал тасаввурда уни марказлаштирилган тўплаш, зарурий якуний ахборот олиш мақсадида сақлаш

учун мўлжалланган ахборот, математик, дастурий, тил, ташкилий ва техник воситалар тизими сифатида таърифлаш мумкин.

Урбанлашган ҳудудлар сейсмик рискини баҳолашнинг ўта муҳим таркибий қисмини сейсмик заифлик даражасини баҳолаш ва ҳисоблаш мақсадада яратилган бинолар ва иншоотлар маълумотлар базаси ташкил қилади.

Ҳозирги кунда қишлоқлар ва шаҳарлар миқёсида анкета маълумотлари базаси реализация қилинган. Аҳоли пунктлари анкеталар базаси бино ва иншоотларнинг қуйидаги тўртта типлари бўйича уларнинг сони тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади: А – маҳаллий материаллардан: хом ғишт, пахса, синч, гуваладан қурилган бинолар; В – пишиқ ғиштдан қурилган 1-2 қаватли бинолар; С - пишиқ ғиштдан қурилган 3-5 қаватли бинолар; D – беш қаватдан юқори бинолар. Маълумотлар базаси, шунингдек, жамоа ва маъмурий бинолар сонини ҳамда улардаги аҳоли сонини ҳам ўз ичига олади.

Маълумотлар базасига (МБ) Фарғона вводийси бўйича: Андижон вилоятида 2 та шаҳар ва 14 та туман; Фарғона вилоятида 4 та шаҳар ва 15 та туман; Наманган вилоятида битта Наманган шаҳри ва 11 та туман; Тошкент шаҳар буйича 11 туман киритилган. Яратилган маълумотлар баъзаси қуйидаги бир қатор сервис дастурларига эга – қидириш тизими, маълумотнома тизими ва бошқалар. Базанинг асосий вазифаси – муҳандисликка оид ва иқтисодий хавларни моделли баҳолашдир. Муҳандисликка оид, иқтисодий ва идивидуал ҳақиқий рискни баҳолаш учун биноларнинг Фарғона шаҳри маъмурий бирлиги мисолида паспорт маълумотлари базаси яратилди.

ХУЛОСА

Диссертация мавзуси бўйича тадқиқотларда қуйидаги асосий натижалар олинди:

1. Эндоген, экзоген ва техноген табиатга эга бўлган сейсмик риск мумкин бўлган омиллар тавсифлаб берилди. Қуйидаги асосий риск яратувчи омиллар белгиланди: сейсмик хавф, муҳандислик-геологик муҳитнинг мураккаблиги ва ўзгаришларга мойиллиги, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий инфраструктурасининг ривожланиш ҳолати, иморатларнинг заифлик даражаси ва аҳоли зичлиги ҳамда техноген риск ҳосил қилувчи ерости бойликларидан фойдаланиш объектлари, йирик сув омборлар ва бошқа иқтисодиётнинг хавфли объектлар ҳамда бошқа техноген омилларнинг тарқалганлиги билан шаклланади. Ушбу риск ҳосил қилувчи омилларнинг шахарсозлик фаолиятида хисобга олиш тавсия этилади.

2. Минтақада устувор сейсмик риск омиллари сифатида сейсмик хавф ва аҳолининг заифлик даражаси ҳамда геологик рисклар эканлиги аниқланди. Антисейсмик тадбирларни режалаш жараёнида маъсул идораларга бу омилларга алоҳида эътибор берилиши тавсия этилади.

3. Минтақада жойлашган урбанлашган ҳудудларининг аксарияти лёсс жинслари тарқалган ҳудудларда жойлашган. Ушбу геологик муҳитнинг

сейсмик таъсирга реакциясини баҳолашда чўкувчанлик устивор аҳамиятини инобатга олиб, геологик-геоморфологик, структурали тектоник тузилиш бўйича, лёсс жинсларнинг таркиби ва хусусиятлари, муҳандислик-геологик жараёнлар ва ҳодисалар бўйича, шунингдек ерости сувлари сатҳининг ҳозирги кундаги ҳолати бўйича материаллар ўрганиб чиқилди. Ушбу асосда Фарғона ботиқлиги лёсс ҳудудларининг чўкувчанлигини прогноз қилиш тематик рақамли картаси ишлаб чиқилди. Автомагистралнинг Тошкент-Қамчиқ участкаларида мумкин бўлган рисклар белгиланди. Регион миқёсида мухандис геологик районлаштириш тадқиқотларини олиб бориш жараёнида фойдаланиш учун тавсия этилади.

4. Шарқий Ўзбекистоннинг Тошкент, Андижон, Наманган ва Фарғона шахарлари комплекс геологик рискини баҳолаш иши амалга оширилди. Сейсмик риск ва айниқса экологик рискни баҳолаш учун изланишларда фойдаланиш тавсия этилади.

5. Шарқий Ўзбекистон аҳоли пунктларининг бинолар ва иншоотларнинг типлари, улардаги яшаётган аҳоли сони бўйича қамраган паспорт маълумотлар базаси тузилди. Урбанлашган ҳудудларнинг минтақавий рискларни баҳолаш учун ахборот базаси сифатда тавсия этилади.

6. Фарғона шаҳри 13-Симтепа маҳалласи мисолида 7-8-9 баллар интенсивлигидаги сейсмик таъсирда мумкин бўлган муҳандислик ва иқтисодий рисклар баҳоланди. Турли типдаги биноларнинг мумкин бўлган шикастланиши ва уларни тиклаш учун талаб этиладиган иқтисодий маблағлар ҳисобланди. Зилзилаларни оқибатларини пасайтириш ва бартараф этиш чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқиш жараенида асос сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.GM.40.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ МИНЕРАЛЬНЫХ РЕСУРСОВ, ИНСТИТУТЕ ГЕОЛОГИИ И ГЕОФИЗИКИ, ИНСТИТУТЕ ГИДРОГЕОЛОГИИ И ИНЖЕНЕРНОЙ ГЕОЛОГИИ, ИНСТИТУТЕ СЕЙСМОЛОГИИ, НАЦИОНАЛНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА И ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ

ИНСТИТУТ СЕЙСМОЛОГИИ

ХУСОМИДДИНОВ АХРОР САБРИДДИН ОГЛИ

ОСОБЕННОСТИ РИСКООБРАЗУЮШИХ ФАКТОРОВ НА ТЕРРИТОРИИ ВОСТОЧНОГО УЗБЕКИСТАНА

04.00.04 - Гидрогеология и инженерная геология

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ГЕОЛОГО-МИНЕРАЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ

Ташкент-2019

Тема диссертации доктора философии зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2019.2.PhD/GM19.

Диссертация выполнена в Институте сейсмологии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.gpniimr.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Шерматов Магбут** доктор геолого-минералогических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Хабибуллаев Ибрахим Хабибуллаевич** доктор технических наук, профессор
	Зокиров Мираббос Мирсаатович кандидат геолого-минералогических наук
Ведущая организация:	**ГУП «Узбекгидрогеология»**

Защита диссертации состоится «___»_____ 2019 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.GM.40.01 при Институте минеральных ресурсов, Институте геологии и геофизики, Институте гидрогеологии и инженерной геологии, Институте сейсмологии, Национальном университете Узбекистана и Ташкентском Государственном техническом университете (Адрес: 100060, г. Ташкент, ул. Т.Шевченко, 11а. Тел.: (99871) 256-13-49; факс: (99871) 140-08-12; e-mail: info@gpniimr.uz, gpniimr@exat.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института минеральных ресурсов (регистрационный номер №___). (Адрес: 100060, г. Ташкент, ул. Т.Шевченко, 11а. Тел.: (99871) 256-13-49).

Автореферат диссертации разослан «___»_____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки №__от «___»_____ 2019 года.)

М.М. Пирназаров
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.г.-м.н.

К.Р. Мингбоев
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней к.г.-м.н.

К.Н. Абдуллабеков
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней,
д.ф.-м.н., академик

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация докторской (PhD) диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой практике исследование особенностей рискообразующих факторов востребовано при исследованиях по оценке и районированию сейсмического и геологического риска на локальном и региональном уровнях. Обеспечение стабильного социального и экономического развития государств, расположенных в сейсмоопасной зоне, оценка ущерба, нанесенного землетрясением, и его минимизация должны выполняться на основе научно обоснованных рекомендаций. По этой причине выявление факторов, являющихся составной частью сейсмического риска и оценка наносимого ими ущерба, очень важны.

В мировом масштабе проводится ряд исследований для определения рискообразующих факторов сейсмического риска. В частности, уделяется важное значение научным исследованиям, направленным на снижение последствий землетрясений в государствах, расположенных в сейсмоактивных регионах – США, России, Японии и странах Центральной Азии. Научная основа этих исследований – изучение сейсмической опасности и инженерно-геологических условий территорий, сейсмической уязвимости зданий и особенностей техногенных опасных факторов, а также их обработка с применением современной ГИС-технологии. Преимущество таких исследований служит обеспечению сейсмической безопасности территории и населения.

В республике проводится определенная работа по обеспечению сейсмической безопасности населения и территорий, в том числе разработке научных основ и технологий оценки сейсмического риска на территории страны. В Стратегии действий дальнейшего развития Республики Узбекистан определены задачи по «Совершенствованию системы предупреждения и ликвидации чрезвычайных ситуаций»[1]. В связи с этим, важное значение имеют исследования сейсмической безопасности населения и территории республики, а также определение особенностей факторов сейсмического риска.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению комплекса мер, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-3190 от 09.08.2017 г. «О мерах по совершенствованию проведения научных исследований в области сейсмологии, сейсмостойкого строительства и сейсмической безопасности населения и территории Республики Узбекистан», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

[1] Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 г.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики – VIII «Науки о Земле» (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья).

Степень изученности проблемы. Изучение рискообразующих факторов землетрясений осуществляется учеными в ряде ведущих научных центров и высших образовательных учреждений мира, начиная со второй половины прошлого столетия. Основопологающие положения оценки сейсмического риска разработаны известными учеными: К.А.Корнелл, Л.В.Канторович, В.И.Кейлис-Борок, Роберт Витман, С.Ф.Гончаров, Г.П.Лобанов, С.Ю.Баласанян, С.Н.Назаретян, В.С.Амирбекян, Г.Л.Кофф, В.И.Ларионов, В.И.Осипов, А.Л.Рагозин, Н.В.Шебалин, Ф.Ф.Аптикаев, Г.Л.Кофф, Н.И.Фролова и др.

В нашей республике исследования по оценке сейсмического риска сейсмологами начали проводиться 1990 г. Учеными Института сейсмологии АН РУз (А.М.Худайбергенов, М.Ш.Шерматов, Т.У.Артиков, Н.Г.Мавлянова, М.А.Туйчиева, В.А.Исмаилов, А.Джураев и др.) на примере Западного, Южного и Центрального Узбекистана изучены реакции инженерно-геологической среды и зданий на сейсмические воздействия, а также их степень уязвимости. В тоже время факторы образующие геологический и сейсмический риски для территорий Восточного Узбекистана изучены недостаточно, что предопределяет необходимости их комплексные исследований.

